

## **Идрок ва тафаккурнинг ривожланиш даражасини аниқлаш**

**Мақсад:** Мактабгача ёшдаги болаларнинг идрок ва тафаккурининг ривожланганлик даражасини аниқлаш.

**Ёш чегараси:** 3-5 ёш.

**Кўрсатма:** Боланинг олдига қутичалар қўйилиб ҳар бир предмет биттадан болага кўрсатилади ва қандай шаклга ўхшашлиги сўралади. Бола жавоб бергандан сўнг предмет мос келадиган қутичага солиниши сўралади. Сўнгра кейинги предмет кўрсатилади ва саволлар қайтарилади. Шу тариқа ҳамма 24 та предмет болага бирин кетин кўрсатилади ва шаклларга мос равишда қутичаларга жойлаштирилади.

**Материаллар:**

- **3 та** қутича (ҳар бирининг ён қисмига квадрат, доира, учбурчак шакллари акс эттирилган бўлиши лозим).
- **24 та предметлар** (8 та квадрат, 8 та доира, 8 та учбурчак шаклдаги).

Шаклга эга предметларга қўйидагилар тавсия этилади:

Квадрат – кубик, ... . Доира – танга, копток, ... . Учбурчак – конус, ... .

**Натижаларни баҳолаш:** ҳар бир тўғри топилган предмет учун 1 балл берилади. Максимал балл 24 балл.

**Идрок ва тафаккурнинг даражаси:**

19-24 балл бўлса – юқори;

10-18 балл бўлса – ўрта;

9 ва ундан паст балл бўлса – паст.

Идрок ва тафаккурнинг даражаси паст натижа чиққан бола билан ривожлантирувчи ишларни олиб бориш мақсадга мувофиқ.

**Эслатма:** Методика ҳар бир бола билан алоҳида ўтказилиб, 15-20 минутдан ошмаслиги керак.